



190900. Qumqo'rg'on tumani, O'zbekiston shoh ko'chasi 1-uy, tel: 0(376)46-52-511, fax: 0(376)46-52-511

20_20_ yil “ 24 ” апрел _____

_____ К-661 _____-sonli

2020 йил учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг барқарорлигини таъминлаш мақсадида туман маҳаллий бюджетидан мақбуллаштирилладиган харажатларни тасдиқлаш ҳамда вилоят ҳокимининг 2020 йил 17 апрелдаги Қ-179-сонли қарори ижросини таъминлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Коронавирус пандемияси даврида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг барқарорлигини таъминлаш ва биринчи навбатдаги тадбирларни ўз вақтида молиялаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 15 апрелдаги ПҚ-4679-сон Қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “2020 йил учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг барқарорлигини таъминлаш ва харажатларини мақбуллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2020 йил 16 апрелдаги 232-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. 2020 йил учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг барқарорлигини таъминлаш мақсадида туман маҳаллий бюджетидан мақбуллаштирилладиган харажатларни тасдиқлаш ҳамда вилоят ҳокимининг 2020 йил 17 апрелдаги Қ-179-сонли қарори маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “2020 йил учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг барқарорлигини таъминлаш ва харажатларини мақбуллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2020 йил 16 апрелдаги 232-сон қарори билан вазирлик ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг:

бюджет ташкилотларида (тиббиёт, тиббий-ижтимоий муассасалари, меҳрибонлик уйларида ҳамда меҳнатга ҳақ тўлашнинг 1-3 разрядлари қўлланиладиган ходимлардан ташқари) ишлайдиган ходимларга

2020 йил 16 апрелдан 1 октябрга қадар моддий рағбатлантириш махсус жамғармаси ҳамда директор жамғармаси маблағлари ҳисобидан тўловлар ҳисобланишини тўхтатиб туриш;

Ўзбекистон Республикаси республика бюджетида ҳамда ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурида кўзда тутилган харажатларни мақбуллаштириш;

Қорақалпоғистон Республикаси бюджетиде, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бюджетлари харажатларини мақбуллаштириш;

Ўзбекистон Республикаси республика бюджетининг 2020 йил II чораги учун режалаштирилган харажатларни 2020 йилнинг иккинчи ярим йиллигига ўтказиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. Туман маҳаллий бюджетидан мақбуллаштириладиган харажатлар иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Халқ депутатлари туман Кенгашига иловага мувофиқ иқтисод қилинган маблағларни маҳаллий бюджетларнинг даромадлар прогнозининг бажарилмаган қисмини қоплашга йўналтириш тавсия қилинсин.

5. Туман ҳокимлиги молия бўлими (Ш.Поянов) барча бюджет ташкилотларида (тиббиёт ва тиббий-ижтимоий муассасалари ҳамда меҳрибонлик уйларида ташқари):

асосий воситаларни харид қилиш ва капитал таъмирлаш билан боғлиқ харажатларни жорий йилнинг 1 июлига қадар тўхтатиш (молиялаштириш бошланган чора-тадбирлар бундан мустасно) ва ушбу мақсадлар учун II чорада режалаштирилган маблағларни қисқартириш ёки 2020 йилнинг иккинчи ярим йиллигига ўтказиш;

коммунал хизматлар, озиқ-овқат, қоғоз ва бошқа канцелярия товарлари харид қилиш, тадбирлар ўтказиш, жорий таъмирлаш ва бошқа харажатларни қисқартириш чораларини кўрсин.

6. Туман иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бўлими (З.Эшқобилов) тегишли ташкилот ва корхоналар билан биргаликда мақбуллаштирилган маблағлар ҳисобига 2020 йилда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастуридан чиқариладиган лойиҳаларнинг манзилли рўйхатини шакллантириб, бир кун муддатда Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бошқармасига киритсин.

7. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари М.Култаев зиммасига юклансин.

Туман ҳокими



Р.Гаппаров



Кумкўрғон туман маҳаллий бюджетларидан мақбуллаштирилган харажатлар

(Минг сўмда)

Т/Р	Бюджет ташкилотлари номи	Мақбуллаштириш	Бюджет ташкилотларида (Соғлиқни сақлаш муассасаларидан ташқари) апрел-сентябр ойлари учун моддий рағбатлантириш жамғармаси, шу жумладан директор жамғармаси бўйича кўзда тутилган маблағларни мақбуллаштириш	Бюджет ташкилотларида (Соғлиқни сақлаш муассасаларидан ташқари) олиш учун кўзда тутилган маблағларни мақбуллаштириш ҳисобига	Карантин даврида бюджет ташкилотларининг IV-гуруҳ харажатларини (коммунал тўловлар, кўмир сотиб олиш ва марказлашган харажатлардан ташқари) жумладан, озик-овқат харажатларидан иқтисод қилиш ҳисобига
			шу жумладан,		
1	Туман ҳокимлиги	377 470,3	374 865,3	250,0	2 355,0
2	Туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази	45 833,8	45 833,8	0,0	0,0
3	Туман Пенсия жамғармаси бўлими	14 270,0	14 270,0	0,0	0,0
4	Туман Ветеринария ва чорвачилиқни ривожлантириш бўлими	11 960,0	6 150,0	3 787,0	2 023,0
5	Туман хайвон касалликлари ташхиси ва озик-овқат хавфсизлиги давлат маркази	17 829,0	14 642,0	2 400,0	787,0
6	Туман Ирригация бўлими	11 129,0	0,0	8 500,0	2 629,0
7	Туман Молия бўлими	18 719,0	16 370,0	0,0	2 349,0
8	Туман Қишлоқ хўжалиги бўлими	40 935,0	37 974,0	0,0	2 961,0
9	Туман Ободонлаштириш бошқармаси	344 649,0	327 159,0	963,0	16 527,0
10	Туман Ахборот кулбўхона маркази	3 971,0	0,0	3 107,0	864,0
11	Туман Маданият бўлими	26 325,0	15 810,0	9 200,0	1 315,0
12	Туман Болалар-ёшлар спорт мактаби	34 821,0	0,0	20 086,0	14 735,0
13	Туман Жисмоний тарбия ва спорт бўлими	5 674,0	5 674,0	0,0	0,0
14	Туман Мактабгача таълим бўлими	720 829,0	48 730,0	200,0	671 899,0
15	Туман Халқ таълими бўлими	563 499,0	190 223,0	160 858,0	212 418,0
16	Туман 11-сонли болалар мусика ва санат мактаби	104 379,0	104 379,0	0,0	0,0
17	Туман 20-сонли болалар мусика ва санат мактаби	79 449,0	79 449,0	0,0	0,0
	ЖАМИ	2 421 742,0	1 281 529,0	209 351,0	930 862,0



Кумкўрғон тумани Молия бўлими мудири:

Ш.Поянов

Кумкўрғон тумани Молия бўлими мудирининг биринчи ўринбосари:

С.Тошмуродов



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI
SURXONDARYO VILOYAT ADLIYA BOSHQARMASI
QUMQO'RG'ON TUMAN ADLIYA BO'LIMI

190900 Qumqo'rg'on tumani, O'zbekiston shox ko'chasi, 2-uy
Tel.: (998 76) 465-25-64, el. pochta: qumqurgon_adliya@exat.uz qumqurgon-t@adliya.uz

2020 йил 24 апрель 9/2-237 -сон

Қумқўрғон туман ҳокими
Р.Гаппаровга

Сизнинг 2020 йил 23 апрелдаги
191/01-37-сонли хатингизга

Қумқўрғон туман адлия бўлими туман ҳокимининг “2020 йил учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг барқарорлигини таъминлаш мақсадида туман маҳаллий бюджетларидан мақбуллаштириладиган харажатларни тасдиқлаш ҳамда вилоят ҳокимининг 2020 йил 17 апрелдаги Қ-179-сонли қарори ижросини таъминлаш тўғрисида”ги қарори лойихаси қонун ҳужжатлари ва қонунчилик техникаси қоидаларига мувофиқлигини билдиради.

Ушбу қарор қабул қилингандан сўнг, расмий нашрда эълон қилиниши, Ўзбекистон Республикаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг давлат ҳисоби тўғрисидаги низом (рўйхат рақами 1856, 2008 йил 10 сентябр)га мувофиқ 3 кун ичида давлат ҳисобига олиш учун қоғоз ва электрон шаклларда вилоят адлия бошқармасига тақдим қилиниши лозим.


Илова: хулоса ва қарор лойиҳаси ___ варақда

Адлия бўлими бошлиғи

Р.Султанов

Ижрочи: С.Менгликулов
тел. 76-46-52-488

QUMQO'RG'ON TUMANI ADLIYA BO'LIMI HOKIMLIGI	SANJALAR SONI	3
	KIRISH №	509/01-20
	SANASI	24.04.20



Қаркўрғон туман адлия бўлими томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжат
лойиҳасини ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш юзасидан

ХУЛОСАСИ

2020 йил 24 апрель

Кумкўрғон тумани

Ўзбекистон Республикаси 2012 йил 24 декабрдаги “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонуннинг 18-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги 3666-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси адлия вазирлиги тўғрисида”ги Низом талабларига асосан Кумкўрғон туман ҳокимининг “2020 йил учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг барқарорлигини таъминлаш мақсадида туман маҳаллий бюджетларидан мақбуллаштириладиган харажатларни тасдиқлаш ҳамда вилоят ҳокимининг 2020 йил 17 апрелдаги Қ-179-сонли қарори ижросини таъминлаш тўғрисида”ги қарори лойиҳаси ҳуқуқий экспертизадан ўтказилганда қуйидагилар

АНИҚЛАНДИ:

Ушбу қарор лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 16 апрелдаги 232-сон “2020 йил учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг барқарорлигини таъминлаш ва харажатларини мақбуллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 15 апрелдаги ПҚ-4679-сон “Коронавирус пандемияси даврида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг барқарорлигини таъминлаш ва биринчи навбатдаги тадбирларни ўз вақтида молиялаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорининг 5-бандида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар

Маҳкамаси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда уч кун муддатда барча даражадаги бюджетларнинг барқарорлигини таъминлаш мақсадида:

Ўзбекистон Республикаси республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари харажатларини мақбуллаштириш;

2020 йил II чораги учун режалаштирилган айрим харажатларни 2020 йилнинг иккинчи ярим йиллигига ўтказиш орқали карантин даврида барча даражадаги бюджетларнинг барқарорлигини таъминлаш бўйича қарор қабул қилиши лозимлиги белгиланган.

Ушбу Қарор лойиҳаси regulation.gov.uz сайтида Ўзбекистон Республикаси норматив ҳуқуқий ҳужжатларнинг муҳокамасига қўйилган.

Қарор лойиҳаси қонун ҳужжатлари ва қонунчилик техникаси қоидаларига тўлиқ мос равишда тайёрланган.

Юқоридагиларга биноан, туман ҳокимлигининг норматив-ҳуқуқий хусусиятга эга бўлган қарори лойиҳаси ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш натижалари бўйича

ХУЛОСА ҚИЛИНДИ:

Қумқўрғон туман ҳокимининг “2020 йил учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг барқарорлигини таъминлаш мақсадида туман маҳаллий бюджетларидан мақбуллаштириладиган харажатларни тасдиқлаш ҳамда вилоят ҳокимининг 2020 йил 17 апрелдаги Қ-179-сонли қарори ижросини таъминлаш тўғрисида”ги қарор лойиҳаси Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари асосида ишлаб чиқилганлиги ва қонунчилик техникаси талабларига мувофиқлиги қайд этилсин.

Мазкур хулоса юзасидан тегишли хат маълумот учун туман ҳокимлигига юборилсин.

Туман адлия бўлими
бош маслаҳатчиси



С.Менглиқулов